

Дарвешлар — амирзоданинг халоскори

Отаси Фарох вилоятининг хокими эди. Кариганда хокимликдан истеъфо бериб, умрининг колган кисмини тоат-ибодатда ўтказмокчи бўлди. Давлат ишларини зиммаси-га юклатиш ва ўз истеъфосини тасдиклатиш учун ўгли Шох Алини замон подшохининг саройига юборди. Йўлда карокчилар хужум килиб, Шох Али билан бирга бўлган барча якинларини ўлдирдилар. Шох Алининг ўзи ҳам каттик ярадор бўлиб, ўликлар ичида чалажон ётарди. Шу пайтда Шайх Алоуддавла Симнонийга гайбда кўргуздиларки, фалон мавзеда ўликлар орасида бир ярадор ўлим билан талашаётибди. Тезда уни куткарки, факр тарикидан юксак кобилияти бор. Шайх ул мавзегга борди ва ҳеч кайсини тирик топмади. Яна гайбдан шундай амр бўлди, яна бориб, бирор тирик жон топмади. Учинчи марта яхшилаб кўриб чикканида, бирида хаёт асари зоҳир бўлди. Уни кўтариб, шаҳарга келтириб, муолажаси билан машгул бўлдилар. Яралари ўнгланиб, бутунлай согайиб кетди. Шайх Шох Алига деди:

— Энди согайиб кетдинг, хохласанг, иш сўраб подшоҳ олдига бор, хохласанг отангинг олдига кайт!

Шох Али деди:

- Мен Шайхнинг шариф хизматидан ҳеч каён борур хотирим йўқдур. Иродат кўлини Шайх этагига урмокни тилайман.

Отаси олдига бориб, ундан ижозат хосил килди ва Шайх хазратига келиб, Шайх Хасан тарбияти билан олий макомотга кадам кўйди.